



14«9»2022 yil.

133-11-156-
MT/2022-son

PUDRAT SHARTNOMASI

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи «VALLEY POWER ENERGY» МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) номидан раҳбар И.Тошматов биринчи томон ва иккинчи томон Кува туман мактабгача таълими бўлими мудири Ж. Тургунов (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилди.

1. Шартнома предмети

1.1. «Пудратчи» «VALLEY POWER ENERGY» МЧЖ «Буюртмачи» Кува тумани мактабгача таълими бўлими ўртасида куйида Кува тумани мактабгача таълими бўлими тасарруфидаги №27,28-сонли мактабгача таълим ташкилотлари биносини жорий таъмирлаш ишларини лот № 143531 рақамига асосан бажариб беришни ўз зиммасига олади.

1.2. «Пудратчи» томонидан амалга ошириладиган ва ушбу шартномада курсатилган Кува тумани мактабгача таълими бўлими тасарруфидаги №27,28-сонли мактабгача таълим ташкилотлари биносини жорий таъмирлаш ишларини (хизмат)ларнинг умумий қиймати 299 000 000 (Икки юз тўқсон тўққиз миллион) сумни ташкил қилиб «Буюртмачи» билан келишилган ҳолда белгиланади.

2. Ҳисоб-китоб шартлари

2.1. «Пудратчи» Кува тумани мактабгача таълими бўлими тасарруфидаги №27,28-сонли мактабгача таълим ташкилотлари биносини жорий таъмирлаш ишларини бажарилиши лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида ҳисоб-китоб қилинади.

2.2. «Пудратчи» Кува тумани мактабгача таълими бўлими тасарруфидаги №27,28-сонли мактабгача таълим ташкилотлари биносини жорий таъмирлаш ишларини тўлиқ бажаргандан сўнг, ўзаро солиштирув далолатномаларига асосан бажарилган ишлар қиймати учун «Буюртмачи» 30 (ўттиз) кун ичида пул ўтказиш ёки нақд пул тўлаш йули билан туловни амалга оширади.

2.3. «Буюртмачи» олдиндан шартнома умумий суммасини 30% миқдорида аванс туловни «Пудратчига» ҳисоб рақамига утказиб беради.

2.4. «Буюртмачи» томонидан қолган 70% тулов суммасини «Пудратчига» иш хизматлари бажариб берилиб, ҳисоб фактуралари тақдим этилгандан сўнг тулаб берилади.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Буюртмачи» «Пудратчи» томонидан Кува тумани мактабгача таълими бўлими тасарруфидаги №27,28-сонли мактабгача таълим ташкилотлари биносини жорий таъмирлаш ишларини (хизмат)ларни бажарилганлиги ҳақидаги Ф-3 маълумотномаси ҳамда Ф-2 далолатномаси ёки тақдим қилинган ҳисоб-варак фактурасини 72 соат даъвомида кўриб чиқиб тасдиқлаб беради. Шу давр ичида барча эътирозлар бўлса «Буюртмачи» томонидан ёзма равишда билдирилиши шарт. Агар шу давр ичида эътирозлар билдирилса 10 кунлик муддат ичида «Пудратчи» томонидан эътирозлар асослантирилган ҳолда бартараф этилади.

3.2. «Буюртмачи» шартномада курсатилган ишлар ва курсатилган хизматларини сифати талабга жавоб берган ҳолатдагина уни қабул қилиб олади ва шартномада курсатилган тартибда ҳисоб-китоб ишлари олиб борилиб, банк орқали туловни амалга оширади.

4. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Томонлар тарафидан шартнома шартлари бузилган ҳолларда жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролик кодекси"га, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тугрисида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу шартномага мувофиқ белгиланади.

4.2. Агар «Пудратчи» томонидан «Буюртмачи»га белгиланган ишлар ва хизматларни белгиланган муддатларда бажариб берилмаса, «Пудратчи» муддатдан утган ишлар ва хизматларини умумий қийматини 0.5% ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

Агар мажбуриятларнинг бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатларининг оқибати ҳисобланса. "Пудратчи" пеня тулаш мажбуриятидан ҳалос қилинади.

4.3. «Буюртмачи» «Пудратчи»га бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлар учун ўз вақтида туловни амалга оширмаса ишлар ва курсатилган хизматларини 0.4 фоизи миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун жарима

тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси тулов амалга оширилмаган сумманинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

4.4. Жарималар туланиши «Пудратчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

5. Низоларни ҳал этиш тартиби.

5.1. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар буйича томонлар келишиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келиша олмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунарига асосан иқтисодий судлари орқали ҳал қилинади.

6. Форс-мажор ҳолатлари.

6.1. Шартнома тузилгандан сўнг бартараф этилиши томонларнинг таъсири ва истакларига боғлиқ бўлмаган вақтинча ёки узоқ вақт шартномани зарур даражада амалга оширишда халақит берадиган вазиятлар содир бўлганда, яъни табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолларда, юқорида ҳолатлар айтиб утилган мавжудлиги туфайли томонлар тарафидан шартнома мажбуриятлари бузилган деб ҳисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ушбу ҳолатлар давом этиш вақтига сурилади.

6.2. Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган томон дарҳол иккинчи томонни юқоридаги ҳолатларнинг юзага келганлиги, шунингдек бартараф этилганлиги тугрисида хабардор қилиши керак.

6.3. Бартараф этилиши мумкин бўлмаган вазиятлар содир бўлгани ёки уларни бартараф этилгани ҳақида уз вақтида, 15 кундан кўп бўлмаган муддатда хабар бермаган томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда, бу вазиятларни сабаб қилиб қурсата олмайди.

7. Шартнома муддати

7.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

7.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31- декабр гача

8. Қўшимча шартлар

8.1. Шартнома икки нусхада тузилиб, ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлиб томонларда бир нусхадан сакланади.

8.2. Шартномага барча узгартиришлар иккала томонлама қилишилган ва шартномага қўшимча битим имзоланган ҳолда қонуний деб ҳисобланади.

8.3. Шартнома туман юридик хизмат кўрсатиш маркази томонидан ижобий ҳулоса олиниб, туман ғазначилик бўлими томонидан рўйхатга олгандан сўнг тўлиқ кучга эга деб ҳисобланади.

9. Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва реквизитлари

«ПУДРАТЧИ»	«БУЮРТМАЧИ»
<p>« VALLEY POWER ENERGY » МЧЖ МАНЗИЛ: Фаргона шаҳар Университет 29 ТЕЛ: 99890 ХР: 202080002049259544001 БАНК НОМИ: АТБ «Инвест Финанс Банк» МФО: 01128 ИНН: 502043395 ОКОНХ: 61110 Рахбар:</p>	<p>Қува тумани мактабгача таълим бўлими Шхр: 100022860302187091100251047 ИНН: 305153375 ОКОНХ: 92400 Молия Вазирлиги Ғазначилиги х/р: 23402000300100001010 Марказий банк Тошкент шаҳар 66 ХККМ МФО: 00014 ИНН: 201122919 Рахбар: Ж. Турғунов.</p>

Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang.



Imzolovchi F.I.SH.	JAHONGIR TURG'UNOV MAMUROVICH
Imzolangan sana	14 сен 2022 16:56
Hujjat kodi	RV1872634873
Hulosa kodi	DT4438304560

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

RV1872634873

1. Loyihaning turi: SHARTNOMA.

2. Loyihaning nomi: Pudrat shrtnomai to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Quva tumani **Maktabgacha ta'lim bo'limi** hamda **"VALLEY POWER ENERGY" МЧЖ** tomonidan ishlab chiqililib 2022-yil 14-sentyabr kuni **"E-Huquqshunos"** dasturga (qayta) kiritilgan va 2022-yil 14-sentyabr kuni Quva tuman yuridik hizmat ko'rsatish markazi tomonidan xulosa dasturga kiritilgan.

4. Loyiha:

Loyiha amaldagi qonunlari:

1. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksiga;
2. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiy-protsessual kodeksiga;
3. O'zbekiston Respublikasi **"Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"**gi Qonunining talablariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra

XULOSA:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



N.Lutfullayeva

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Қува тумани Мактабгача таълим
бўлими мудири: Ж.Турғунов

Қува тумани Мактабгача таълим бўлимининг йиғилиш

БАЁНИ № 11

12 “9” 2022 yil

Қува тумани

Қува тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 27-28-сонли Давлат мактабгача таълим ташкилоти куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш мақсадида таъмир талаб бўлиб биносини таъмирлаш учун 2022 йил режасига асосан таъмирлаш учун Давлат харидларига 07.09.2022 йил кунги лот № 143531 бўйича эълон муҳокама қилиш комиссия йиғилиши

11-сонли йиғилиш баёни

Қатнашдилар: Комиссия раиси Ж.Турғунов

Комиссия аъзолари:

А.Тешабоев

Ш.Тешабоев

С.Тешабоева

И.Мирахмедов

Г.Ғуломова

О.Ахмедов

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА:

Қува тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 27-28-сонли Давлат мактабгача таълим ташкилоти куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш мақсадида таъмир талаб бўлиб колган биносини таъмирлаш зарурлиги учун 2022 йил режасига асосан таъмирлаш учун Давлат харидларига 07.09.2022 йил кунги лот № 143531 бўйича эълон муҳокама қилиш тўғрисида.


Кун тартибидаги масала юзасидан Кува тумани Мактабгача таълим бўлими томонидан ўтказилган эълон бўйича Кува тумани МТБ мудир Ж.Турғунов сўз олиб, “VALLEY POWER ENERGY” МЧЖ танлов талабига мос келганини айтиб ўтди.

Шунга асосан юқоридагиларни инобатга олиб, комиссия аъзолари

ҚАРОП ҚИЛАДИ:

1. Кува тумани Мактабгача таълим бўлими комиссия аъзолари томонидан муҳокама кунлари ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлиги ҳамда ҳеч кимда эътирозлар йўқлиги айтиб ўтилди.
2. Кува тумани Мактабгача таълим бўлими комиссия аъзолари томонидан “VALLEY POWER ENERGY” МЧЖ танлов талабларига мос тушган ушбу ташкилот билан шартнома тузилсин ва 3 кун ичида махсус Давлат харидлари ахборот порталига жойлаштириш вазифаси бош ҳисобчи в.в.б. А.Тешабоевга юклатилсин.

Йиғилиш котибаси:



С.Тешабоева


Комиссия аъзолари:



А.Тешабоев




Ш.Тешабоев



И.Мирахмедов



Г.Фуломова



О.Ахмедов



Фарғона вилояти Қува тумани
бўйича Ғазначилик бўлимаси
бошлиғи

АЛОҚА ХАТИ

Ушбу билан “FERGHANA CLER EXPERTIZA” МЧЖ Сизга шуни маълум қиладики “SHARQ QURILISH BULDING” МЧЖ томонидан тайёрланган Фарғона вилояти “Қува туман Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги ташкилотларни иситиш тизимларини, бошқа иншоотларини ва биноларини жорий таъмирлаш ишлари” смета хужжатлари “FERGHANA CLER EXPERTIZA” МЧЖ томонидан кўриб чиқилган ҳамда ижобий хулосалар тақдим қилинган. Ушбу смета хужжатлари Вазирлар маҳкамасининг 17.09.2021 йилдаги 579-сонли қарорига асосан 1 тоифадаги объектлар туркимига мансуб бўлиб, берилган экспертиза хулосалари Ягона давлат реестри reestr.mc.uz га рўйхатига киритилганини маълум қиламиз.



“FERGHANA CLER EXPERTIZA”

МЧЖ раҳбари:

М. Мамадалиев

№	Содержание	№	Содержание
22032	Расширение сети сетей радиотелефонной связи ООО «Узбекистанские узбекистан» Башк	№ 434	Қашқадарье вилояти
22033	"Ferghana clear expertiza"	№ 435	Ўзғона вилояти
22034	«Расширение сети сетей радиотелефонной связи ООО «COSCOM» в Республике Узбекистан» Самарканд вилояти	№ 436	Самарканд вилояти
22035	Расширение сети сетей радиотелефонной связи ООО «Jinlei» в Республике Узбекистан» Сурхондар вилояти	№ 437	Сурхондар вилояти
22036	«Расширение сети сетей радиотелефонной связи ООО «COSCOM» в Республике Узбекистан» Наманган вилояти	№ 438	Наманган вилояти
22037	«Расширение сети сетей радиотелефонной связи ООО «COSCOM» в Республике Узбекистан» Ферганская область	№ 439	Ферганская область